

“Сўнгги ўқ асари” талабаларнинг маънавиятини юксалтиришга хизмат қилади

Ш.М.Латинова – СамИСИ, “Молия ва сўзурта хизматлари” кафедраси ўқитувчиси

Республикаимиз Президентининг китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини яхшилашга катта эътибор бераётганликлари бежиз эмас. Бунга асосий сабаб сифатида, аввало китоб инсонни улуғловчи, унинг маънавий қувватини оширувчи улкан куч эканлигини кўрсатишимиз мумкин. Қолаверса, китоб миллатнинг тарихий хотираси, ёшларнинг маънавий-маърифий, илмий жиҳатларини мустаҳкамловчи, келажагини юксалтиришга қодир бўлган машъала ҳисобланади.

Мамлакатимизда ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича Президентимиз томонидан илгари сурилган 5 та ташаббусдан тўртинчиси ҳам айнан “Ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга йўналтирилган”. Шу сабабли талаба ёшлар ўртасида ҳам китобхонлик тадбирларини ўтказиш ҳар биримизнинг маънавиятимизни юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга эканлиги диққатга моликдир. Жорий йилнинг 31 май куни Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида МК-117 гуруҳ талабалари билан китобхонлик тадбири ўтказилди.

Тадбирда буюк ўзбек ёзувчиси, публицист ва таржимон Т.Малик ёди хотирланиб, унинг “Сўнгги ўқ” номли асари бўйича суҳбат ташкил этилди.

Суҳбат давомида Тоҳир Малик ҳар бир ўқувчи қалбида улкан муҳаббат уйғота олган ёзувчилардан бири эканлиги, афсуски, яқинда у кишининг вафоти ўзбек адабиёти учун катта жудолик бўлганлиги қайд этилди.

Ёзувчининг қуйидаги фикрлари ўқувчининг қалбида унинг асарларига нисбатан улкан муҳаббат шаклланишига асос бўлди: “Қайси йўналишга кирмайин мақсадим бир ўқувчи билан ҳаёт муаммолари ҳақида ғойибона суҳбат қуриш. Зулмнинг илдизини қуришиб, саодатли умрга етишиш йўллари излаш...”

Ўрни келганда айтай: кам асар ёзилишини иқтисодий аҳвол билан боғламаслик керак. «Ўткан кунлар», «Кеча ва кундуз», «Навоий» каби асарлар ёзилаётганда устозларимизнинг иқтисодий аҳволлари ҳозиргиларникидан ночорроқ бўлгани аниқку? Устига-устак мафкуравий тазйиқчи?”.

Т.Маликнинг ижодиётига қисқача назар солсак, унинг бир қатор асарлари рус ва бошқа тилларга таржима қилинган. “Сўнгги ўқ” асари асосида етти қисмли, “Шайтанат” асари асосида эса йигирма қисмли бадиий фильмлар суратга олиниб, намойиш этилган.

Ёзувчи ўзининг ижодий фаолияти давомида ҳаётни, инсонлар табиатини атрофлича ўрганган. Т.Маликнинг асарларини мутолаа қилар эканмиз, уларда тасвирланган энг ёмон одамлардан ҳам баъзан

нафратланмайсиз, аксинча уларнинг қисматига ачинасиз. Нега шундай? Чунки ёзувчи инсонларни, уларнинг ички кечинмаларини, руҳиятларини синчилаб ўрганади ва китобхонни ҳам мана шу руҳият оламига олиб киради. Уни шу ҳолга солган сабабларни таҳлил қилишга ва хулоса чиқаришга йўналтиради.

Талабалар Тоҳир Малик ижодида “Алвидо, болалик” асари алоҳида ўрин эгаллашини эътироф этишди. Асардаги асосий мавзу ҳеч кимнинг жиноятчи бўлиб туғилмаслигида, болани атроф-муҳит, жамиятдаги турли иллатлар жиноятчига айлантиради. Бу ҳақда адибнинг ўзи шундай дейди: “Мен ўсмирлар ва ёшларнинг жиноят кўчасига кириб қолаётганига бефарқ қараб туролмайман. Болалар ахлоқ тузатиш колонияларига ҳар борганимда юрагим эзилади. Озод, эркин яшаб, ўқиб, ҳунар ўрганадиган ёшдаги болалар бу ерга қандай тушиб қолдилар?! Наҳот жиноят олами уларга жозибали кўринса?! Мен жиноят оламини “Шайтанат”, яъни шайтонлар етовидаги зумлкорлар мамлакати деб атаб, “Эҳтиёт бўлинг, жигарларим, бу кўчага яқин йўламанг. Боши берк бу кўчанинг адоғида фақатгина азобли, хорли ўлим топасиз.”, демоқ ниятида ёздим. Ёзганларимни огоҳлантириш деб қабул қилишларини истардим.”

Ёзувчининг ижодий фаолияти ҳукуматимиз томонидан эътироф этилиб, у турли ҳукумат мукофотлари ва турли адабий мукофотлар билан тақдирланган. 2000 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонида кўра Т.Маликка “Ўзбекистон халқ ёзувчиси” унвони берилган.

Ёзувчининг ана шундай машҳур асарларидан бири 1990 йилда ёзилган “Сўнгги ўк” асаридир. Аксарият талабалар бу асарни мактабда ўқиб юрган кезларида ҳам ўқишганини таъкидлашди. Асардаги асосий сюжетлар бўйича талабалар ўз фикрларини билдиришди. Хусусан, асардаги асосий воқеалар содир бўлган жой, икки ака-ука Жаҳонгир ва Оламгир ўртасида юзага келган келишмовчиликлар мазмуни бўйича ўз фикрларини билдиришди. Асар бош қаҳрамони Жаҳонгирнинг асарда тасвирланган ҳаёти, унинг ички кечинмалари ҳамда нима учун майор С.Солиҳов бу ишда айбдор кимлигини аниқлаш учун ака-укалар ҳаётини обдон ўрганиб чиққанлиги, асарнинг охирида Жаҳонгир ва унинг акаси Оламгирни ўртоғи Муродилла ўртасида юзага келган низолар, Жаҳонгир оиласининг тикланиши, унинг хотини ва фарзанди Йўлчивой ҳақида фикрлари ҳам талабалар томонидан муҳокама қилинди.

Талабаларнинг айримлари асарда уларга ёққан парчаларга тўхталиб ўтишди. Шундан сўнг хулоса сифатида асардан бир парча мутолаа қилинди:

“- Чет мамлакатга? – Жаҳонгирнинг кўз олдида отаси келди. – Нима бор чет элда?

- Чет мамлакат яхши. Ўзбеклар ҳам кетган.

- Кетган, биламан. Ватанни ташлаб кетиш – хоинлик. Улар хоин! Улар қорин қуллари. Бу ерда ҳам бир коса овқатга қорин тўяди, чет элда ҳам. Хорижда икки коса ичолмайсан барибир. Дадам раҳматли шундай дердилар. Ҳовлингиздаги итга суяк ташламасангиз кетиб қолмайди-ку? Улар эса кетишди... Кўрарга кўзим йўқ уларни... — Жаҳонгир шундай деб тишларини

ғижирлатди. Кўзига Аждарқоя, ундаги одамлар кўринди. Агар улар ҳозир шу ерда пайдо бўлиб қолишса, ёинки аксинча, Жаҳонгир умри бир неча ой изига қайтиб ўша ерда бўлиб қолса, уларни ғажиб ташлашга тайёр эди. Ватандан узокларга олиб кетаётган оёқларни чопиб ташлар эди. Ватанга ола қараган кўзларни ўяр эди, ношукр сўзларни айтган тилларни суғуриб олар эди, ўт қўйган қўлларни синдирар эди...”.

Асардаги ушбу парча ҳар биримизда ватанга нисбатан муҳаббат туйғусини шакллантиради. Бойлик, моддийликка берилиб, ватанни тарк этмаслик муносабатлари юқори даражада акс эттирилганлиги ҳам диққатга сазовордир. Шунингдек, ҳар биримизнинг китобга бўлган меҳримиз ана шундай ажойиб асарлар орқали янада ошиши сир эмас. Ҳар биримиз ўзимизнинг ички ва ташқи дунёмизни гўзаллаштиришимиз учун ҳам кўпрок китоб ўқишимиз шарт.